ИЮЛЬ — ҲОСИЛ ТЎПЛАШ ОЙИ

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 127 (3355). | Жума, 1 июль 1966 йил. | Баҳоси 2 тийин.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

Кеча Тошкент область партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленумда область партия комитетининг секретари **П. В. Костриков** «КПСС Марказий Комитети май Пленумининг якунлари, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг III пленуми ва пахта ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳосили етиштиришни кўпайтириш юзасидан область партия ташкилотининг вазифалари» тўғрисида доклад қилди.

Музокараларда Оржоникидзе район партия комитетининг биринчи секретари **Н. Қиргизбоев**, «Бўка» совхозининг директори **М. П. Живодёров**, область суғориш системаси бошқармасининг бошлиғи **И. А. Полвонов**, Бекобод район партия комитетининг биринчи секретари **М. Н. Нуъмонов**, Ўрта Чирчиқ район ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи **Т. А. Ортиқхўжаев**, «Ташобводстрой» трести бошқарувчиси **С. А. Азизов**, Янгийўл район партия комитетининг биринчи секретари **А. П. Алимов**, Оққўрғон районидаги Ҳамид Олимжон номли колхоз раиси **Х. Эргашев**, Бўка районидаги «Гулистон» колхозининг раиси **И. Ҳайдаров**, «Средазгипроводхлопок» институтининг директори **Д. К. Терситский**, Калинин районидаги «Назарбек» совхози партия комитетининг секретари **С. Эргашев** ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Пленумда Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари **М. А. Абдураззоқов** сўзга чиқди.

Пленумда Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг иккинчи секретари **В. Г. Ломоносов** нутқ сўзлади.


Пленум муҳокама қилинган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

Пленум Янгийўл районидаги III-«Интернационал» ва Ўрта Чирчиқ районидаги «Северний маяк» колхозларининг мўл ва эрта ҳосил етиштириш, машина теримига ўз вақтида тайёргарлик кўриш юзасидан белгилаган тадбирлари ва ташаббусларини маъқуллади.

Пленум район партия комитетлари, колхозларнинг правлениелари, совхозларнинг директорлари, колхоз ва совхозларнинг партия ташкилотлари зиммасига бу йил область бўйича етиштирилган ҳосилнинг кам деганда 50 процентининг машинада териб олинишини кўзда тутиб ҳар бир пахтакор хўжалигида тегишли тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш вазифасини топширди.

(Пленум ҳақидаги батафсил ҳисобот газетамизнинг навбатдаги сонида босилади.)

«ИНТЕРНАЦИОНАЛ» КОЛХОЗИ ПАХТАЗОРЛАРИДА



Бу ажойиб пахта пайкали Янгийўл районидаги «Интернационал» колхозига қарашли. Хўжалик деҳқонлари бу йил «оқ олтин»дан баракали хирмон кўтариш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар. Ҳаво паст келганлиги сабабли ўсишдан қолган ғўзалар ишловнинг зўри билан серавж, серҳосил бўлиб ўсмоқда. Ҳозир қайси пайкалга назар ташламанг, қийғос гуллаган, икки-учтадан кўсак олган бўлиқ ғўза тупларини кўрасиз. Деҳқон меҳрига қонаётган ғўзалар кузакдаги баракали «оқ олтин» хирмонларидан дарак бериб турибди.

(«Интернационал» колхозининг деҳқонлари эришаётган ажойиб ютуқлар ҳақидаги ҳикояни газетамизнинг учинчи саҳифасида ўқийсиз).

● **Машина теримига ҳозирдан тайёрланайлик**

● «Интернационал» ва «Северний маяк» колхозлари пахтакорларининг ташаббусини кенг ёяйлик!

ИЮЛДА НИМАЛАР ҚИЛИШ КЕРАК

Ҳар йили табиатнинг ўзига хос инжиқликлари бўлади. Лекин бу йил табиат ортиқроқ инжиқлик қилди. Чигит асосий майдонларда қийғос ундириб олинган, ғўза қаддини ростлаб олишга ҳали улгурмаган пайтда тушган совуқ ниҳолларни ўсишдан тўхтатиб қўйди. Бунинг натижасида деҳқонларнинг ташвиши ортди. Уларга ёш ўсимликни совуқ офатидан батамом сақлаб қолиш, ниҳолларнинг қаддини тезроқ ростлаб олишига ва нормал ривожланишига эришиш учун ҳар қачонгидан ҳам тер тўкиб меҳнат қилишга тўғри келди.

Мана энди илғор колхоз ва совхозларнинг далаларида ғўзанинг аҳволи кўзни қувонтирадиган бўлиб қолди. Оққўрғон районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги», 2-«Оққўрғон» ва бошқа пешқадам совхозларнинг ҳамда колхозларнинг ғўзалари кўсаклайбошлади.

Лекин, областимиздаги кўпгина хўжаликларда ғўза ўсишдан ва ҳосил олишдан ҳамон ўн-ўн беш кун кечикмоқда. Бундан сира ташвишга тушиш керак эмас. **ҒЎЗАНИ ҲОСИЛДОР ҚИЛИБ ЎСТИРИШ ВА ПАХТАНИНГ ҲАР ЙИЛДАГИДЕК БАРВАҚТ ОЧИЛИШИНИ ТАЪМИНЛАШ УЧУН ҲАЛИ ВАҚТ БОР. ҲАММА ГАП ҲОЗИРГИ ҒАНИМАТ КУНЛАРНИНГ ҲАР БИР МИНУТИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШДА ҚОЛГАН.** Бунинг учун барча имкониятларни дала ишларига сафарбар этиш, мавжуд ишчи кучларидан ва техника воситаларидан тўла фойдаланиш, шу тариқа агротехника тадбирларини ҳамда ишчилик билан амалга ошириш ва юқори сифатли ўтказиш керак.

ҒЎЗАНИНГ ЎСИШ ВА ҲОСИЛ ОЛИШИДАГИ КЕЧИКИШНИНГ ЎРНИНИ ТЕЗРОҚ ҚОПЛАШ УЧУН ҒЎЗА ҚАТОР ОРАЛАРИНИ УЗУНАСИГА ВА КУНДАЛАНГИГА ОБИ-ТОБИДА ЧУҚУР КУЛЬТИВАЦИЯ ҚИЛИШ ТАЛАБ ЭТИЛАДИ. Бунинг учун аввало тракторларни тўғри созлаш, илғор механизаторлар, жумладан Янгийўл районидаги «Интернационал» колхозининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони В. Тюпко раҳбарлик қилаётган звенолар тажрибаси асосида культиваторларнинг ишчи органларидан оқилона фойдаланиш зарур. Бу звенолларда культиваторларнинг ҳар қайси ишчи органи жойма-жойига қўйилади. Ғўзанинг ахволи ва бўйига қараб ҳар бир парваришда культиваторларнинг маълум ишчи органларидан фойдаланилади.

Масалан, иккинчи культивация вақтида культиваторларнинг бешта ишчи органи ишлатилди. Пичоқ ғўза тупларига мумкин қадар яқин юргизилди, ҳимоя зоналари 5 — 7 сантиметр қилиб олинди. Наральниклар ўсимликдан 10—12 сантиметр нарида юрадиган қилиб ўрнатилди. Учинчи парваришда культиваторлар тракторларга ғўза қатор оралариии 15—17 сантиметр чуқур юмшатиб кетадиган қилиб ўрнатилади. ҒЎЗА ТУПЛАРИ БИР-БИРИГА ТУТАШИБ КЕТГАН ВАҚТДА ТРАКТОРЛАРНИНГ ГИЛДИРАКЛАРИГА ТЎСИҚЛАР ЎРНАТИБ ИШЛАТИЛАДИ. КУЛЬТИВАТОРЛАРНИНГ ПИЧОҚЛАРИ ОЛИБ ТАШЛАНАДИ.

Культиватор ишчи органларининг озгина жойи шикастланса ё ейилган бўлса ғўза қатор ораларн чуқур юмшатилмайди. Шунинг учун ҳар бир ишчи органини синчиклаб кўздан кечириб бориш, эскирган ва ейилганларини дарҳол алмаштириш, чангларини тез-тез тозалаб туриш керак бўлади.

Ҳаво иссиқ. Бундай пайтда ғўза сувни кўп талаб қилади. Чунки юқори ҳарорат намни тез буғлатиб юборади. Тупроқда нам етарли бўлмаса, ўсимлик ердаги озуқа моддаларидан, ёруғлик ва иссиқликдан тузук фойдалана олмайди. Ғўзанинг сермева бўлиши ва кўпроқ кўсак олиши учун чуқур культивациядан кейин ер тобига келиши билан экинни қондириб суғориш зарур.

Ғўзанинг тўғри суғорилишига эришиш учун эгатларни юксак агротехника қоидалари асосида олиш лозим. Агар эгатларнинг баландлиги 16—18 сантиметрдан паст бўлса, кенглиги 45—50 сантиметрдан кам бўлса, экин қониб сув ичмайди. Шу сабабли суғориш эгатларини тўғри, текис, баравар чуқурликда ва кенгликда олиш, сувчиларнинг эгатлар қандай олинганлигини текшириб қабул қилишларини ташкил этиш керак. Сув ўқариқлардан эгатларга жилдиратиб оқизилади. Эгатларнинг бошларида сув оз-оздан таралади, ўрталарида кўпайтирилади, охирларида яна камайтирилади. Шундай қилинса, сув эгатларнинг тепасига чиқиб кетмайди, кўллаб қолмайди, ғўза тупларини янчимайди.

Суғоришни табақалаштириб ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Ер ости сувлари чуқур жойлашган далаларда ғўзани ҳар бир эгатдан суғориш, сизот сувлар яқин турган карталарда сувни эгат оралатиб тараш тавсия этилади. Шунда ҳамма жойда ғўза қониб сув ичади, тежабтергаб сарфланади. Таралмаган эгатдан таралган эгатга сув яҳши сингиб ўтади. Сизот сувлар яқин турган жойларда у сув ер бетига чиқмайди.

ҒЎЗАНИНГ ҲОСИЛ ОЛИШДАГИ ОРҚАДА ҚОЛИШИНИ ҚИСҚА ВАҚТ ИЧИДА ТУГАТИШ УЧУН ЭКИННИ ОЗИҚЛАНТИРИШНИ ҲАМ УНУТМАСЛИК КЕРАК. Илғор колхоз ва совхозларда қилинаётганидек, ғузани минерал ўғит билан озиқлантиришни кечиктирмасдан тугаллаш, ўсишдан кечикаётган жойлардаги экинни озиқлантиришни 10 июлгача давом эттириш, шундан кейин суғориш вақтида ғўзага «шарбат» оқизиш, қатор ораларига маҳаллий ўғит солиш яхши натижа беради.

Областимизнинг пахта далаларида қишлоқ хўжалик зараркунандалари ҳали ҳам экинга зарар етказмоқда. Бундай жойларни тезда аниқлаш, ҳашаротни қириб ташлаш учун профилактик тадбирларни ишчилик билан амалга ошириш, бунда дориворларнинг тўғри аралашмаларидан оқилона фойдаланиш, тракторларга тиркаб ишлатиладиган ва елкага осиладиган пуркагич-чанглагичларнинг ҳаммасидан фойдаланиш, дориворларни ишлатишда аҳолига зарар етказмаслик учун эҳтиёт бўлиш шарт.

Июль — ҳосилга ҳосил қўшиш ойи. Шу кеча-кундузда ғўза қатор ораларида ўтказилган чуқур культивация, об-тобида берилган ҳар қатра сув, ҳар бир килограмм ўғит ҳосилга ҳосил қўшиш, шонани гулга, гулни тўқ кўсакка айлантириш учун хизмат қилади. Ҳар бир пахтакорнинг вазифаси — ана шу ҳақли талабларни тўла бажо келтиришдан, шу тариқа ҳамма майдонларда мўл ҳосил тўпланишига эришишдан иборат.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

СССР ЕНГИЛ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ ҲАМДА МАИШИЙ ПРИБОРЛАР МАШИНАСОЗЛИГИ МИНИСТРЛИГИНИНГ ТЎҚИМАЧИЛИК МАШИНАСОЗЛИГИ ЗАВОДИ «ТАШТЕКСТИЛЬМАШ»НИ ЛЕНИН ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Тўқимачилик ускуналари ишлаб чиқариш етти йиллик планини муваффақиятли бажарганлиги, жун газмол тўқиш ишлаб чиқариши учун янги юқори унумли машиналарни кўллаб ишлаб чиқаришни ўзлаштирганлиги ва уюштирганлиги учун СССР Енгил ва озиқ-овқат саноати ҳамда маиший приборлар машинасозлиги министрлигининг тўқимачилик машинасозлиги заводи «Таштекстильмаш» **Ленин ордени** билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг раиси Н. ПОДГОРНИЙ.

СССР Олий Совети Президиумининг секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1966 йил 29 июнь.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

«САВДО ХОДИМИ КУНИ» ҲАР ЙИЛГИ БАЙРАМИНИ БЕЛГИЛАШ ТЎҒРИСИДА

СССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

«Савдо ходими куни» байрами белгилансин.

«Савдо ходими куни» ҳар йили июлнинг тўртинчи якшанба куни байрам қилинсин.

СССР Олий Совети Президиумининг раиси Н. ПОДГОРНИЙ.

СССР Олий Совети Президиумининг секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1966 йил 29 июнь.

ЮКСАК МУКОФОТ МУБОРАК!

Тошкент тўқимачилик машинасозлиги заводи Ленин ордени билан мукофотланди! Бу қувончли хушхабар корхонага космик тезликда тарқалди. Ишчилар, инженерлар, техниклар, хизматчилар шу ондаёқ бир-бирларини табриклашдилар. Қувончларини бир-бирларига изҳор қила бошладилар. Уларнинг шодлиги чексиз. Фахрланиш туйғуси барқ уряпти қалбда.

Ҳа, машинасозлар ҳар қанча фахрлансалар, қувонсалар арзийди. Самарали меҳнатларининг бундай катта мукофот билан тақдирланиши учун озмунча тер тўкмадилар. Улар элга манзур, мустаҳкам ва унумли машиналарнинг жуда кўп хилларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйдилар. Шу мақсадда кечаю-кундуз тиним билмадилар.

...1942 йил. Фашизмга қарши бесамон курашнинг ўша оловли дамларида неча ўнлаб йирик завод ва фабрикалар жанубга, Ўзбекистонга эвакуация қилинди. Шулар орасида Россия тўқимачилик корхоналари учун машина ва асбоб-ускуна етказиб бераётган қатор заводлар бор эди. Улар асосида «Таштекстильмаш» заводи барпо этилган эди.

Мана, ўша вақтдан бери орадан салкам чорак аср ўтди. Ўшандаги ўспирин ишчилар бўй чўзишиб, корхонанинг мустаҳкам таянчи бўлиб қолишди. Уларнинг бири инженер, бири техник, бошқаси цех бошлиғи бўлиб ишлаяпти эндиликда. Улар билан бирга корхона ҳам ўсиб улғайди. Завод маҳсулоти йил ўтган сайин сон жиҳатдан ортиб, сифат жиҳатдан яхшиланиб борди. Ҳозирда «Таштекстильмаш» заводининг тамгаси урилган тўқимачилик машиналарини мамлакатимизнинг барча тўқимачилик корхоналарида учратиш мумкин. Завод ишлаб чиқараётган унумли машиналар чет эл фирмаларининг ҳам диққатини ўзига жалб қилди. Польшанинг Брно шаҳрида ўтказилган халқаро ярмаркада тўрт операцияни бирданига бажарадиган машина намойиш қилинди. Бу машина катта олтин медалга сазовор бўлди. Япония, Англия, Италия сингари мамлакатлардаги тўқимачилик машинасозлиги компания ва фирмаларининг вакиллари бу машинани бироз ҳасад билан бўлса ҳам ҳар ҳолда юқори баҳолашди. Машинага турли мамлакатлардан заказлар ёғилиб кетди. Умуман ҳозирги вақтда корхона ишлаб чиқараётган маҳсулот 20 га яқин чет эл мамлакатига экспорт қилинаяпти...

Мана бугун эса пойтахтнинг ана шу йирик корхонасида катта тантана! Ҳукуматнинг олий мукофоти — Ленин ордени берилганлигига бағишланган митинг бошланди.

Минбарда кекса ишчи, токарь Николай Иванович Орлов пайдо бўлганида уни ҳамма қизғин кутиб олади.

— Мен ўз умримнинг каттагина бўлагини шу ерда, заводда ўтказдим, — дейди у. — Токарлик севган касбим бўлиб қолди. Менинг қўлларим билан ясалган деталлар тўқимачилик машиналарида зарур бир вазифани бажарадики, бу билан мен жуда фахрланаман. Корхона вужудга келиб оёққа турган кезлари бу ерда ишлаш анча оғир эди. Мана энди эса ишжараёнларининг каттагина қисми машиналар ёрдамида бажарилаяпти. Буларнинг ҳаммаси партия ва ҳукуматнинг биз ишчилар учун кўрсатаётган катта ғамхўрлигининг тимсолидир.

Шундан сўнг минбарга 2-механика цехининг ишчиси С. Шнайдер, коммунистик меҳнат зарбдори,чусуча кўчирувчи Л. Чумакова ўртоқлар бирин-кетин сўзга чиқишиб, юксак мукофот учун партия ва ҳукуматга қизғин миннатдорчилик изҳор этдилар ҳамда бундан буён ҳам завод маркасининг шуҳратини ошириш учун курашаверамиз, олий мукофотга меҳнатда янги-янги галабаларга эришиш билан жавоб берамиз деб аҳд қилишди.

— Биз тўқимачиларнинг меҳнатини сизнинг ажойиб машиналарингиз енгил қиляпти, — деди тўқимачилик комбинати партия комитетининг секретари ўртоқ Питкина машинасозларни олий мукофот билан қутлар экан. — Сиз ишлаб чиқараётган машиналар ёрдами билан минглаб тонна ип йигириляпти, газлама тўқиляпти. Тўқимачилар номидан сизларни қизғин табриклайман, ишларингизда янада катта муваффақиятларга эришувингизни тилайман.

Сўз Фрунзе район партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Акимовага берилади.

— Заводингиз Ленин ордени билан мукофотланганлиги ҳақидаги хуш хабарни ҳаммамиз зўр мамнуният билан қабул қилдик. Бугун бўлаётган область партия комитети пленумининг барча қатнашчилари олий мукофот билан тақдирланганингизни эшитиб ғоят ҳурсанд бўлишди. У пленум қатнашчилари юборган табрикномани ўқиб эшиттиради.

Шундан сўнг завод партия комитетининг секретари А. Степанов сўзлайди. У корхонанинг шонли коллективи бундан буён ҳам янада зўр шижоат билан Ватанимиз бахт-саодати йўлида меҳнат қилаверади, янги беш йиллик топшириқларини тўла бажариш учун бутун куч-ғайратини сарфлайди, деб айтади.

— Жонажон Тошкентимизни тиклаш ва қайта қуриш иши ҳаммамизнинг жонажон ишимиз, кундалик вазифамиз бўлиб қолди, — дейди А. Степанов.—Шу боисдан ҳам коллективимиз Тошкентга ёрдам фонди ҳисобига 200 соат ишлаб бериш ҳақида қарор қабул килди. Бизнинг бу ташаббусимиз пойтахтдаги барча корхоналар коллективлари томонидан қизғин қутиб олинади деб умид қиламиз.

Шундан кейин корхона коллективининг пойтахтнинг барча ишчи ва хизматчиларига қарата мурожаати қабул қилинди.

СОВЕТ—ФРАНЦИЯ МУЗОКАРАЛАРИ

Совет Иттифоқи раҳбарлари билан Франция президенти ўртасидаги музокаралар 29 июнда Кремлда давом эттирилди.

Совет томонидан музокараларда Л. И. Брежнев, А. Н. Косигин, Н. В. Подгорний, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико қатнашдилар.

Франция томонидан музокараларда Франция Республикасининг президенти генерал Шарль де Голль, Ташқи ишлар министри Морис Кув де Мюрвиль қатнашдилар.

Самимийлик вазиятида ўтган ана шу учрашув вақтида Совет-Франция музокараларининг мавзуи бўлган масалалар устида кенг ҳамжиҳатлик мавжудлиги қайд қилинди.

Совет томонидан музокараларда СССР Ташқи ишлар министрининг ўринбосари В. С. Семёнов, СССР-нинг Францияда элчиси В. А. Зорин, СССР ташқи ишлар министрлиги коллегиясининг аъзоси А. Г. Ковалев ҳозир бўлдилар.

Франция томонидан Францияниинг СССРдаги элчиси Филипп Бодэ, республика президенти маҳкамасининг бош секретари Этьен Бюрен де Розье, мухтор министр, ташқи ишлар министрлиги Европа бўлими мудири Франсуа Пюэ, мухтор министр, ташқи ишлар министри кабинетининг директори Бруно де Лесс, республика президенти маҳкамасининг маслаҳатчиси Рене де Сен Лежье ҳозир бўлдилар.

ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШИ—МУҲИМ ВАЗИФА

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ VI СЕССИЯСИДАН

Илгари газетамизда хабар берилганидек, яқинда меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Советининг Х чақириқ VI сессияси бўлиб ўтди. Сессияда «Областда қишлоқ қурилишининг аҳволи ва уни яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги масала кўрилди. Шу масала юзасидан Тошкент область ижроия комитетининг ранси депутат **Э. Т. Шайхов** доклад қилди.

Докладчи айтдики, партия XXIII съезди Директиваларида деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўп миқдорда ошириш, аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига, саноатнинг қишлоқ хўжалик хомашёларига бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш алоҳида таъкидланган. Барча қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ўртача йиллик ҳажми ушбу бешйилликда ўтган беш йилнинг ҳар йилида ўртача ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдоридан 25 процентдан ўсиб боради.

Қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш соҳасида партия белгилаган тадбирларнинг амалга оширилиши яқин йиллар ичида мамлакатимизда деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари мўл-кўлчилигини вужудга келтиради.

Бу вазифаларнинг муваффақиятли бажарилиши кўп жиҳатдан қишлоқда капитал қурилиш планининг бажарилишига ҳам боғлиқ.

1961 йилдан буён ўтган вақт мобайнида областда қишлоқ капитал қурилишини ривож топтириш учун бирмунча ишлар қилинди. Беш йилда область қишлоқ хўжалигига капитал маблағ сарфлаш ҳажми барча молиявий манбалар ҳисобига 216 миллион сўмни ташкил этди. 34 минг гектар ер ўзлаштирилди. 10 та янги совхоз тузилди. 33 та механика устахонаси, 653 ишлаб чиқариш бинояси, 113 та ўғит омбори ва кўпгина бошқа бинолар қуриб, фойдаланишга топширилди.

Қишлоқ аҳолисининг маданий турмуш даражасини ошириш ҳамда уй-жой, мактаб, болалар муассасалари, касалхона, кинотеатр, клуб, водопровод, ҳаммом ва бошқа маданий-маиший бинолар қурилишига эътибор кучайди.

Ўтган беш йилда областимиз қишлоқларида 292 минг квадрат метр уй-жой, 56 минг ўринли мактаб ва қўшимча синфхоналар, 4100 ўринли болалар муассасалари, 3145 қойкали касалхона ва диспансерлар, 500 километрдан ортиқ водопровод тармоғи, 19 ҳаммом, 7 кинотеатр, 32 клуб ва бошқа жуда кўп маданий-маиший объектлар қурилиб фойдаланишга топширилди.

Колхоз қишлоқлари, совхоз посёлкалари ҳамда аҳоли яшайдиган пунктларни қуриш ва кенгайтириш бўйича бирмунча ишлар қилинди. Бугунги кунда Оққўрғон, Ўрта Чирчиқ, Юқори Чирчиқ ва бошқа районларнинг марказлари қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгариб кетган.

Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон», Ленин номли ва «Правда», Юқори Чирчиқдаги «Политотдел», Свердлов номли, «Ленинский путь», ва «Правда», Ўрта Чирчиқдаги «Полярная звезда», «Северный маяк», Калинин районидаги К. Маркс номли ва «Ўзбекистон ССР 40 йиллиги», Янгийўлдаги Ҳ. Турсунқулов ва Ленин номли колхозларнинг посёлкалари шаҳар типидаги посёлкаларга айланиб қолди.

Бу муваффақиятларда партия ва ҳукуматимизнинг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини юксалтириш, жумладан, қишлоқ қурилишини ривожлантириш, колхоз ва совхозни молиявий жиҳатдан мустаҳкамлаш, янги қурилиш ташкилотлари тузиш сингари ишлар ҳақида доимий кўрсатаётган ғамхўрлиги ўз ифодасини топди.

Областда колхозлараро қурилиш ташкилотлари, «Облколхозстрой» ва «Облсельстрой» трестлари, кўчма механизациялашган колонналар ва йирик ишлаб чиқариш базалари ташкил этилди. Шуларнинг барчаси қишлоқ хўжалигининг ишлаб чиқариш-техника базасини мустаҳкамлаш, меҳнат унумдорлигини ошириш, қишлоқ меҳнат аҳлининг маданий-маиший турмуш шароитини яхшилашга, оқибатда эса қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантириш етти йиллик планининг муваффақиятли бажарилишига қулай шарт-шароит яратди.

Бироқ, деб таъкидлаб ўтади докладчи, қишлоқда капитал қурилиш даражаси ўсиш суръати, қурилиш-монтаж ишлари сифати, ишлаб чиқариш базасининг қуввати, материал-техника билан таъминлаш, объектларга лойиҳаларни вақтида етказиб бериш бўйича давр талабларидан орқада қолмоқда.

Шу ўтган йиллар ичида қурилиш ташкилотлари, область колхоз ва совхозлари ажратилган маблағининг 50 миллион сўмини ўзлаштиролмай қолдирлар.

Ўтган беш йил ичида қишлоқ қурилишида капитал маблағлар сарфлаш планларининг бажарилмай қолганлигига бир неча сабаб бор. Қурилиш ташкилотларининг материал-техника ҳамда ишлаб чиқариш базалари мустаҳкам эмаслиги, маблағларнинг бир йўла кўп объектларга сочиб юборилганлиги, лойиҳа ҳужжатлари тайёр бўлмаган кўпчилик объектларни ҳам қурилиш планига киритилиб кетилганлиги, қурилиш планининг бинокорлик материаллари, асбоб-ускуналар ва механизмлар билан таъминлаш планига мувофиқ тузилмаганлиги, айрим объектларни, айниқса колхозлардаги объектларни маблағ билан вақтида таъминлаб турилмаганлиги, ниҳоят қурилиш ишларини паст даражада ташкил этилганлиги ана шундай сабаблардандир.

Кўп ҳолларда қишлоқда қурилиш бош плансиз, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни истиқболини ҳисобга олинмай, фан ва техниканинг сўнгги янгиликларини қўлланмай, жойлардаги табиий иқлим шароитини назарга тутмай олиб борилади.

Республика Госстройи, область қурилиш ва архитектура ишлари бўлими, «Узгипрозем», «Узгипросельстрой», «Узгоспроект» ва бошқа лойиҳалаш институтларининг қишлоқ қурилишига етарли эътибор бермаётганликлари натижасида бинокорлар ҳануузгача уй-жой, дала шийпонлари, мактаблар, болалар муассасалари, маданий-маиший ва ишлаб чиқариш объектларининг яхши типовой лойиҳаларига эга эмаслар.

Кўпчилик объектларнинг лойиҳада кўрсатилган нархи қимматлиги, натижада айрим колхоз ва совхозларда зарур бино ва иншоотлар қурилиши имконияти бўлмаяпти.

Қишлоқда комплекс қурилишни ривожлантиришга етарли эътибор берилаётгани йўқ. Бош план ва аҳоли яшайдиган пунктларни қайта қуриш схемаларининг йўқлиги сабабли, қурилиш системасиз, ривожланиш истиқболларини ҳисобга олмаган ҳолда ва инженерлик коммуникацияларисиз олиб борилди.

Ана шу ҳолатлар фақат капитал маблағлар сарфлаш планининг бажарилмаслигига сабаб бўлиб қолмасдан, балки ишлаб чиқариш қувватлари ва асосий фондларни вақтида фойдаланишга топширишга ҳам тўсқинлик қилди. Бу эса ўз навбатида маблағларнинг беҳаракат ётиб қолишига ва судралувчи объектлар сонининг ортиб кетишига сабаб бўлди.

Масалан, область колхозлари бўйича 1966 йилнинг 1 январига қадар 11,3 миллион сўмлик 2109 объект қурилиши тугалланмай қолди.


«Облколхозстрой» трести (бошқарувчиси Сааков, бош инженери Ортиқхўжаев ўртоқлар) қишлоқда қурилишни жуда қониқарсиз олиб боряпти. Шу трест айби билан 1966 йилнинг 1 январига қадар 292 та объектда иш тугалланмай қолди. Бу, 5,2 миллион сўмни ёки пудрат ишлари йиллик программасининг 60 процентини ташкил этади.

Оққўрғон районидаги «Ленинград» ва Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхозларида мактаблар, Оққўрғон районидаги Кир о в номли колхозда клуб қурилишини планда 9—11 ой муддатда тугатиш белгиланганига қарамай, 3—5 йилдан бери қурилиб келаяпти-ку, ҳеч битмаяпти.

Бўка колхозлараро қурилиш ташкилоти (раиси ўртоқ Адитаев) колхозчилар учун уй-жойларни ниҳоятда сифатсиз қурмоқда. Райондаги «Партия XX съезди» колхозида 1963—1964 йилларда 70 та уй қуриб берган эди. Аммо колхоз ҳалигача бу уйларни фойдаланишга топширолмаяпти. Ҳисоботларда битди деб кўрсатилган ана шу объектларнинг бирортаси ҳам аслида батамом қурилиб битказилмаган. Уйларнинг печкаси йўқ, деразалари бир қават, поли тоб ташлаб ётибди. Айрим уйларнинг ҳатто деворлари ёрилиб кетган. Ўрта Чирчиқ (раиси ўртоқ Солиев), Оққўрғон (раиси ўртоқ Муҳаммадқулов) колхозлараро қурилиш ташкилотларининг ишидан қишлоқ меҳнат аҳли жуда норози. Оққўрғон районида катта камчиликлар борлиги сабабли нкки йил бурун қурилган 89 уй ўз эгаларига топширилмаган. Шундан «Коммунизм» колхозида 45, Ҳамид Олимжон номли колхозда 35 уй бор.

Ўтган давр мобайнида областимизда уй-жой ва маданий-маиший бинолар қурилиши бўйича капитал маблағ сарфлаш планн бажарилмади. 1965 йили Бекобод, Бўка, Юқори Чирчиқ, Янгийўл районларида уй-жой қурилиши плани бажарилмай қолди ҳамда аҳолига 4 минг квадрат метр ҳажмда уй-жой майдони кам берилди.

Докладчи «Облзаготхлопколуб-трест», «Узсельхозтехника» область бирлашмаси, область матлубот жамияти ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бошқармаси бўйича техник ҳужжатлар тўла тайёр бўлмаган. Кўп ҳолларда лойиҳа-смета ҳужжатлари талабга жавоб бермайди, талайгина нуқсонларга эга бўлади. Айниқса «Узгипрозем» ва «Узгипросельстрой» институтлари тайёрлаб бераётган лойиҳаларнинг сифати паст. Лойиҳаларни қайта кўриб чиқиш, қайта ҳисоблаш — булар ҳаммаси объектларнинг нархи қимматлашиб кетишига сабаб бўлмоқда.



⊙ КПСС Марказий Комитетининг май Пленуми қарорлари кўплар қаторн сув проблемалари ва гидротехника институтининг коллективини ҳам беҳад руҳлантириб юборди. Институт ходимлари республикамизда мелиорациялашнинг катта программасини амалга оширишда ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишга қатъий бел боғладилар. Суратда: Тахиатош гидроузелининг модели синаб кўрилмоқда.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотоси.

Планларнинг бажарилмаётганлигига қурилиш ташкилотларида меҳнатни ташкил этиш қониқарсиз йўлга қўйилганлиги ҳам кўп таъсир қилмоқда. Айрим объектларда ишчи кучининг бўш туриб қолиши 30—40 процентни, механизмларнинг бекор туриши эса 40—50 процентни ташкил этмоқда.

Баъзи заказчилар пландаги объектларни лойиҳа-смета ҳужжатлари билан ўз вақтида таъминламаётирлар. Май ойига қадар Тошкент ва Бўстонлик парандачилик фабрикалари ҳамда чорвачилик илмий-текшириш институти бўйича техник ҳужжатлар тўла тайёр бўлмаган. Кўп ҳолларда лойиҳа-смета ҳужжатлари талабга жавоб бермайди, талайгина нуқсонларга эга бўлади. Айниқса «Узгипрозем» ва «Узгипросельстрой» институтлари тайёрлаб бераётган лойиҳаларнинг сифати паст. Лойиҳаларни қайта кўриб чиқиш, қайта ҳисоблаш — булар ҳаммаси объектларнинг нархи қимматлашиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Бинокорлик материаллари тежаб-тергаб ишлатилмайди, исроф-гарчиликка йўл қўйилади. «Облколхозстрой» трестининг 8 ғишт заводи жуда қониқарсиз ишламоқда.

Девор материаллари камчил бўлган ҳозирги пайтда қурилиш ташкилотлари керамзит-бетон ва шлак-бетон блокларидан, панеллар ва бошқа материаллардан иложи борича кўпроқ фойдаланишлари зарур.

Докладчи навбатдаги вазифаларга тўхталиб ўтар экан, қуйидагиларни таъкидлайди: шу беш йилликда қишлоқ қурилишига капитал маблағ ажратиш ҳажми ўтган беш йилликдагига қараганда 60 процент ортади. Республика ҳукумати янги ерларни ўзлаштириш ҳамда мавжуд суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мумкин.

Янги ўзлаштирилган суғориладиган ерларда учта пахтачилик совхози, бешта сабзавот-бодғорчилик-узумчилик ва битта сутчилик совхози, иккита паррандачилик фабрикаси ташкил этиш ва қуриш кўзда тутилмоқда. Янги ерларни ўзлаштириш ва совхозлар қурилишига республика ҳукумати областда 116 миллион сўм маблағ беради.

Колхозлар, совхозлар, ишлаб чиқариш бошқармаларида беш йилликка мўлжалланган капитал қурилиш тадбирлари ишлаб чиқилган. Бу тадбирлар партия XXIII съезди томонидан қишлоқ меҳнаткашлари олдига қўйилган улуғвор планларга мувофиқдир. Бу планлар реал планлардир. Область қишлоқ бинокорлари белгиланган, тадбирларни батамом амалга оширишларига шак-шубҳа йўқ.

Область Советининг қурилиш бўйича доимий комиссияси ранси депутат **Ф. Ғ. Ёқубов** шу масала юзасидан қўшимча доклад қилди.

Ўрта Чирчиқ район партия комитетининг биринчи секретари депутат **А. Мирахмедов** музокарада биринчи бўлиб сўзга чиқади.

— Қишлоқ қурилишига эътибор кучайтирилаётганлиги қувончли ҳол, — дейди нотиқ. — Районимизда ҳам сўнгги йилларда қишлоқ капитал қурилишини юксалтиришга катта эътибор берила бошланди. Колхоз қишлоқлари, совхоз посёлкаларининг бугунги қиёфаси бўлакча. Колхозчилар шинам уйларга кўчиб ўтмоқдалар. Қишлоқда ҳам худди шаҳардагидек кўркам клуб ва кинотеатрлар, касалхона ва ясли-лар, равон йўллар қурилаяпти. Қишлоқларимиз шаҳар ҳуснини олаяпти.

Нотиқ қурилишнинг аҳволи кўп жиҳатдан лойиҳа-смета ҳужжатларининг вақтида етказиб берилишига ҳам боғлиқ эканлигини айтиб, лойиҳалаш ташкилотларини қаттиқ танқид қилади. У айтдики, лойиҳаловчилар бош план ва қайта қуриш схемаларини тузишдаги ғалвирдан колхоз ишлаб чиқариш истиқболларини назарда тутишмайди. Пала-партишлик ҳужжатларни қийин аҳволга солиб қўймоқда.

Кўни кеча матбуотда Бўка районидаги Ильич номли колхоз аъзоларининг ташаббуси эълон қилинди. Улар Улуғ Октябрь Социалистик революциясининг 50 йиллиги ва В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги шарафига шу беш йилликда колхозчиларнинг турмуш ва меҳнат маданиятини яхшилашга қаратилган тадбирларини белгилаб чиққанлар. Область партия комитетининг бюроси ана шу тадбирларни қизғин маъқуллади.

Сессияда шу колхоз раиси **У. Жорқинбоев** сўзга чиқиб, хўжалик правлениеси ва партия ташкилотининг шу соҳадаги режаларини гапириб берди. В. И. Ленин туғилган кунга 100 йил тўладиган пайтгача колхозчиларнинг ҳаммаси шинам уйларга кўчиб ўтишади. Тадбирларда 600 ўринли клуб, 400 ўринли ёзги кинотеатр, болалар боғча-ясляси, ўнта дала шийпони, меҳмонхона, стадион, дам олиш уйи, ётоқхона, автомат-телефон станцияси қуриш кўзда тутилган.

Бекободдаги «Октябрь 46 йиллиги» совхозининг директори депутат **А. Тен** қурилишларни секин ва паст суръат билан қураётганлиги учун «Облсельстрой» трестини қаттиқ танқид қилди. Трест ана шу совхоз объектларида қурилишни кечиктириб юбораётганлиги учун ажратилган маблағлар ўзлаштирилмай қолиб кетмоқда. Нотиқ лойиҳалаш, йўл ва кўприк қурилишлари соҳасидаги камчиликларни қаттиқ танқид қилди.

Музокарада депутатлардан — «Облколхозстрой» трестининг бошқарувчиси **С. Сааков**, область халқ контроли комитетининг раиси **И. Раҳматов**, область қишлоқ қурилиши трестининг бошқарувчиси **Р. Минаваров**, область ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари **Г. Светленко** ўртоқлар ҳам қатнашдилар. Калинин район ижроия комитетининг раиси **М. Тожиев** ва Оржоникидзе район ижроия комитетининг раиси **О. Қўйшимонов** ўртоқлар зилзила оқибатларини тугатиш йўлида кўрилаётган тадбирлар ҳақида ахборот бердилар.

Ўзбекистон КП Тошкент область комитетининг биринчи секретари ўртоқ **М. Абдураззоқов** сессияда нутқ сўзлади.

Сессия кўрилган масала юзасидан қарор қабул қилди.

СИЁСИЙ ТАШКИЛОТЧИ

Соат акани кўпинча ишдан бўш вақтларида қўшнилар уйида суҳбат ўтказаётган пайтда учратасиз. У ўзига бириктирилган хонадонларда тез-тез бўлиб, турли темаларда суҳбатлар ўтказади, колхозчиларни янги-янги хабарлар билан таништиради, уларнинг оилавий турмуши, эҳтиёжлари билан қизиқади. Лозим бўлса ёрдам уюштиради. Чунки у сиёсий ташкилотчи.

Бугун ҳам худди шундай бўлди.

— Мумкинми? Ассалому алайкум.

— Келинг, келинг Соат ака. Марҳамат.

Колхозчи Турғун ака оиласи уни мамнунлик билан кутиб олди. Соат ака улар билан алла маҳалгача чақ-чақлашиб ўтирди. Дунё воқеалари, қишлоқ хўжалиги янгиликларидан, халқаро аҳволдан кўп нарсаларни гапириб берди.

Шундан сўнг у, қўшни хонадонга йўл олди...

Соат ака Зиёев 26-сонли ўрта мактабда бир неча йилдан буён илмий бўлим мудири вазифасида ишлайди. У, ёшларга билим бериш, уларни коммунистик руҳда тарбиялаш ишига муносиб ҳисса қўшиб келаётир.

Тажрибали педагогнинг илмидан баҳраманд бўлган ўқувчилар ҳозирги кунда врач, инженер, ўқитувчи, агроном ва бошқа касбларни эгаллаб, турли соҳаларда самарали меҳнат қилишмоқда. Соат ака мактабда ўқитувчилик қилиш билан бирга жамоат ишларида ҳам актив қатнашади. У, Калинин районидаги «Ўзбекистон ССР 40 йиллиги» колхозидаги «Билим» жамиятининг раиси, энг яхши агитатор ҳамда сиёсий ташкилотчидир.

— Ҳар бир киши жамият тараққиёти, эл-юрт иши учун меҳнат қилаётганлигини тушуниб, ўз бурчига онгли муносабатда бўлса, у, албатта, катта ютуқларни қўлга киритади, — дейди Соат ака. Шу сабабли меҳнаткашлар орасида оммавий-сиёсий, лекция пропагандаси ҳамда тушунтириш ишларини кучайтириш лозим.

Бу соҳада колхозимиздаги 156 сиёсий ташкилотчи ва 50 агитатор катта ишлар олиб бораётир. Натижада колхозимизда йилдан-йилга қувончли ютуқлар қўлга киритилаяпти. Сиёсий ташкилотчиларнинг жонкуярлиги туфайли меҳнат интизоми яхшиланмоқда, колхозчиларнинг маданий турмуш даражаси ортиб бормоқда. Барча колхозчи хонадонида электр, радио, телевизор бор, қатор уйлар газлашган, ҳарбир хонадон 2—3 нусхада газета олади.

Колхозда Соат ака Зиёевга ўхшаган жонкуяр сиёсий ташкилотчилар кўплаб топилади. Донгдор бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мирзааҳмад Маҳмудов, Тошпўлат Эшонов, Миразиз Боқиев, Зеби Усмонова кабилар шулар жумласидандир. Улар ҳар бир хонадоннинг аҳволи билан танишиб, лозим бўлса ўз ёрдамларини аямайдилар. Масалан, сиёсий ташкилотчи Миразиз Боқиевнинг ташаббуси билан Саври хола Икромовага колхоз томонидан янги иморат қуриб берилди. Шунингдек Неъмат Орифжонов, Жўра Усмонхўжаевга ҳам янги иморат қуришда ҳар тарафлама ёрдам берилди. Илғор колхозчилардан Комил Шокиров касал бўлиб қолган эди. Санаторийда даволаниб келиши учун 400 сўм пул, оиласига эса моддий ёрдам кўрсатилди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Колхоз партия ташкилоти сиёсий ташкилотчилар ишини яхшилаш учун яқиндан ёрдам кўрсатади, тез-тез уларнинг семенарлари ўтказилиб турилади, ҳисоботлари эшитилади.

— Меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда, уларни меҳнатга жалб қилишда сиёсий ташкилотчилар ҳақиқий тарбиячи бўлиб қолмоқдалар, — дейди колхоз партия ташкилотининг секретари ўртоқ Муслим Юсупов. Уларнинг кўпчилиги колхоз ишлаб чиқаришининг илғорлари ҳисобланади. Бу азаматлар меҳнаткашлар кўнглига йўл топиб иш кўришлари сабабли қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан ҳар йили юқори ҳосил олмоқдамиз. Биз беш йилликнинг биринчи йилида ўз устимизга олган мажбуриятларни ҳам шараф билан бажариш учун астойдил меҳнат қилмоқдамиз.

Н. САЪДУЛЛАЕВ.

САНИТАРИЯ ОЙЛИГИ

Шаҳарлар, поселкалар, аҳоли яшайдиган пунктларнинг ҳамда областда ўткир юқумли ошқозончак касалликларига қарши кураш тадбирларини кучайтириш мақсадида область ижроия комитети июль ойини шаҳар ва аҳоли яшайдиган пунктларнинг санитария аҳволи ва уларни ободонлаштириш, ўткир юқумли ошқозончак касалликларига қарши профилактик ва эпидемик кураш олиб бориш ойлиги деб эълон қилди.

Бу ойликни ўтказиш ишига корхоналар, ташкилотлар, колхозлар ва совхозлар раҳбарларини, меҳнаткашлар депутатлари шаҳар, район, посёлка ва қишлоқ Советлари депутатларини бевосита жалб этиш зарур деб топилди.

Соғликни сақлаш ва жамоат тартибини сақлаш органларига аҳоли ўртасида санитария пропагандаси ишларини кенг йўлга қўйиш; саноат, коммунал, озиқ-овқат ва савдо объектларининг; бозорлар, кўчалар, майдончалар, ҳовлилар ва ҳоказолар территорияларининг санитария аҳволини яхшилаш учун назоратни кучайтириш топширилди.

Область соғлиқни сақлаш бўлимига ойликнинг бориши ҳамда шаҳарлар, посёлкалар, қишлоқлар, район марказлари ва аҳоли яшайдиган пунктларнинг санитария аҳволи ҳақидаги масалани вақтида ижроия комитет муҳокамасига қўйиб туриш топширилди.

МУКОФОТ МУБОРАК

СССР Олий Совети Президиуми машинасозлик корхоналари ва ташкилотларининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг ходимларидан катта группасини машинасозликни ривожлантириш соҳасида етти йиллик план топшириқларини бажаришда эришган муваффақиятлари учун 1966 йил 2 июндаги Фармонга биноан, СССР орденлари ва медаллари билан мукофотлади.

Тошкент областидан қуйидагилар мукофотланди:

ЛЕНИН ОРДЕНИ БИЛАН

1. **Коротенко** Иван Игнатьевич — химия машинасозлиги «Ўзбекхиммаш» заводининг токари.
2. **Скалига** Леонид Аврамович — химия машинасозлиги «Ўзбекхиммаш» заводининг бош конструктори.

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНИ БИЛАН

1. **Гайворонский** Михаил Петрович — Тошкентдаги «Компрессор» заводининг пармачиси.
2. **Давиденко** Петр Степанович — химия машинасозлиги «Ўзбекхиммаш» заводи партия комитетининг секретари.
3. **Комилов** Усмон Мусаевич — Тошкентдаги «Компрессор» заводи қозончиларининг бригадири.
4. **Карнов** Алексей Михайлович — химия машинасозлиги «Ўзбекхиммаш» заводи қозончиларининг бригадири.
5. **Наседкин** Александр Иванович — химия машинасозлиги «Ўзбекхиммаш» заводи қозончиларининг бригадири.

«ҲУРМАТ БЕЛГИСИ» ОРДЕНИ БИЛАН

1. **Александров** Борис Михайлович — химия машинасозлиги «Ўзбекхиммаш» заводининг бош инженери.
2. **Бондарев** Петр Иванович — химия машинасозлиги «Ўзбекхиммаш» заводининг қолипчиси.
3. **Бугаев** Ерофей Кузьмич — химия машинасозлиги «Ўзбекхиммаш» заводи қозончиларининг бригадири.
4. **Габбасов** Аддис Мажидович — химия машинасозлиги «Ўзбекхиммаш» заводининг фрезерчиси.
5. **Кашлев** Иван Иванович — Тошкентдаги «Компрессор» заводининг цех бошлиғи.
6. **Крюкова** Мария Андреевна — химия машинасозлиги «Ўзбекхиммаш» заводининг электр пайвандчиси.
7. **Маназаров** Маҳкам — химия машинасозлиги «Ўзбекхиммаш» заводининг старший мастери.
8. **Шкодина** Алевтина Яковлевна — химия машинасозлиги «Ўзбекхиммаш» заводидаги марказий лабораторияя бошлиғи.

«МЕҲНАТДА ЎРНАК КЎРСАТГАНЛИК УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

1. **Горбачева** Надежда Михайловна — химия машинасозлиги «Ўзбекхиммаш» заводининг кранчиси.
2. **Дрюков** Виктор Григорьевич — химия машинасозлиги «Ўзбекхиммаш» заводининг термисти.
3. **Камолова** Зайтуна Гатауллиевна — Тошкентдаги «Компрессор» заводининг стерженчиси.
4. **Кирьянчев** Сергей Николаевич — Бутуниттифоқ химия машинасозлиги илмий тадқиқот ва лойиҳалаш-технология институтининг Чирчиқ филиалида бўлим бошлиғи.
5. **Попов** Иван Матвеевич — химия машинасозлиги «Ўзбекхиммаш» заводининг токари.
6. **Пўлатова** Шодия — химия машинасозлиги «Ўзбекхиммаш» заводининг кранчиси.
7. **Сайдаметов** Сейтмемет — химия машинасозлиги «Ўзбекхиммаш» заводининг обрубщиги.
8. **Ҳамдамов** Мардон — химия машинасозлиги «Ўзбекхиммаш» заводининг темирчиси. (ТАСС).

● ● ●

Етти йиллик планни муваффақиятли бажаришда актив қатнашганликлари учун ва полиграфия саноатидаги кўп йиллик самарали ишлари учун СССР Олий Совети Президиуми 1966 йил 6 июнь Фармони билан СССР полиграфия саноати ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларининг катта бир группасини СССР орден ва медаллари билан мукофотлади. Мукофотланганлар орасида Ўзбекистон ССРдан қуйидагилар бор:

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНИ БИЛАН

Азимов Ҳайдар — Ўзбекистон КП Марказий Комитети Бирлашган нашриёти босмахонасининг печатчиси.

Зоҳидов Азим Абдусаломович — Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Давлат Матбуот комитети Тошкент 1-босмахонасининг цех бошлиғи.

Зиёмуҳамедова Масуда — Тошкент офсет босма фабрикасининг печатчиси.

Каримов Маҳмуджон — Андижон область «Коммунист» босмахонасининг мастери.

Мазор Аким Борисович — Ўзбекистон КП Марказий Комитети Бирлашган нашриёти ва босмахонасининг директори.

«ҲУРМАТ БЕЛГИСИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Норматова Манзура Насриддиновна — Ўзбекистон КП Марказий Комитети Бирлашган нашриёти босмахонасининг ҳарф терувчиси.

Суздальцева Антонина Павловна — Ўзбекистон КП Марказий Комитети Бирлашган нашриёти босмахонасининг ҳарф терувчиси.

Турдимуратов Элмурат — Нукус полиграфия комбинатининг цех бошлиғи, Қорақалпоғистон АССР.

Холматова Муборак — Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Давлат Матбуот комитети Тошкент 1-босмахонасининг ҳарф терувчиси.

«ШАВКАТЛИ МЕҲНАТ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Жунандов Самат Умидович — Морозов номли Самарқанд область босмахонасининг директори.

Маркелов Александр Иванович — Ўзбекистон КП Марказий Комитети Бирлашган нашриёти ва босмахонасининг бўлим бошлиғи.

Мифтахов Амир — Тошкент офсет босма фабрикасининг қоғоз кесувчиси.

Нуруллаев Файзулла Очилович — Бухоро область «Бухоро ҳақиқати» босмахонасининг печатчиси.

Ризаметов Сирожиддин Ғаниевич — Чирчиқ шаҳар босмахонасининг директори.

Тоиров Собит — Тошкент офсет босма фабрикасининг директори.

Ханмов Якуб Ханмович — «Тошкент» бадиий адабиёт нашриётининг старший техник редактори.

«МЕҲНАТДА ЎРНАК КЎРСАТГАНЛИК УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Орифжонов Ҳошим Қосимович — Ўзбекистон КП Марказий Комитети Бирлашган нашриёти босмахонасининг мастери.

Бадалов Мирзоид Ҳайдарович — Ўзбекистон КП Марказий Комитети Бирлашган нашриёти босмахонасининг травильщиги.

Мельникова Евгения Дмитриевна — Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Давлат Матбуот комитети Тошкент 1-босмахонасининг мастери.

Нажмиддинов Геннадий Турсунович — Марғилон шаҳар босмахонасининг директори.

Паршин Виктор Федорович — Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Давлат Матбуот комитети Тошкент 3-босмахонасининг старший мастери.

Степанов Владимир Федорович — Янгийўл 2-босмахонасининг директори.



Суратда: (чапдан ўнгга) механизаторлардан Абдурасул Қосимов, Умурзоқ Бухорбоев, Эргаш Абдураҳмонов, Жуман Арслонов, Ҳолбек Турсунбоевга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони В. А. Тюпко шу кунларда культиваторни қандай созлаш тўғрисида маслаҳатлар бермоқда.

ЮКСАЛАЁТГАН КОЛХОЗ

ЯНГИЙЎЛ РАЙОНИДАГИ «ИНТЕРНАЦИОНАЛ» КОЛХОЗИДА ПАХТА ҲОСИЛДОРЛИГИ ОШМОҚДА ⊙ В. А. ТЮПКО РАҲБАРЛИГИДАГИ 13 ТА НАРЯДСИЗ ЗВЕНОНИНГ ЮТУҒИ ⊙ «ЗАНГОРИ КЕМА»ЛАР ТЕРИМГА ТАЙЁРЛАНМОҚДА ⊙ ПАХТА ТЕРИМИДА ШАҲАРДАН ЁРДАМЧИ ЧАҚИРИЛМАЙДИ ⊙ ЙИҒИМ-ТЕРИМ БИР ОЙДА ТУГАЛЛАНАДИ.

ҲАР ТУП ҒЎЗА СЕРҲОСИЛ БЎЛАДИ

Тепаликдан келаётган кенг асфальт йўл ўнг томонга бурилиб, пастга шўнғийди ва яна тўғрига ўқдай кетади. Ана шу ердан атрофга назар ташласангиз, кўз ўнгингизда ажойиб водий намоён бўлади. Пахтазорлар, шолипоялар, каноп зорлар, бог-роглар сахий Чирчиқ сувини ичиб, бағридаги бойлигини одамларга икки қўллаб тутқазиб турибди.

Бугунги экинзорлар кечагина қамишзор, қиёқзорлардан иборат эди. Мана, бугун ўша ерлар турли-туман экиндан либос кийиб, жамолини ўтган-кетганга кўз-кўз қилмоқда.

Табиат пардозчиси — деҳқон ўғлони бу ерларга ажойиб ҳуси касб этган. Қиёқ, қамишзорларни илдизидан қўпориб ташлаб, ҳаммаёқни экин-зироат қилган. Ўйноқи Чирчиқни ўзига ром этиб, тўрт тарафни келинчакдек ясантирган. Бундан икки-уч йил бурун шу йўллардан ўтганда атлас либосга тушган чипта ямоқ сингари парча-парча тўқайлар, ерлар ўртасида сершағал жойлар учрагувчи эди. Ҳозир улар йўқ. Тўқайлар ўрнида ҳам, шағаллар орасида ҳам ғўза ўсаяпти. Ўсганда ҳам бу экин атрофдаги колхозларникидан яхшироқ, сершохроқ, сершоналю-сергулроқ бўлиб ўсаяпти.

Тўқай ўрнида, шағал орасида «оқ олтин» ундираётганлар ким? Қуйида шу азаматларнинг бугунги оқилона ишлари, эртанги режалари ҳақида ҳикоя қиламиз.

Колхоз раиси Кибор Мамедов далага бормоқчи бўлиб энди идорадан чиқиб келаётган эди, бино ёнига енгил автомашина келиб тўхтади. Ундан Валентин Афанасьевич Тюпко чаққонлик билан сакраб тушди. Раис билан кўриша туриб «бирор ёққа шошилаяпсиз чоғи», деб сўради.

— Далага кетаяпман, — жавоб берди у.— Умурзоқнинг звеносига бормоқчиман...

— Ие, сизни қаранг, кўнглимиз бир экан,— кулиб деди Валентин Афанасьевич, — мен ҳам ўша ёққа кетаётгандим. Бир идорага кириб ўтай девдим...

Раис ўзининг машинасини қолдириб, Тюпконинг ёнига ўтирди. «Газик» икки томонида оппоқ, муҳташам уйлар саф тортиб турган кишлоқ кўчасидан ўтиб борарди. Уйлар дид билан қурилган бўлиб, хонадон эгаларининг бадавлат, маданий турмуш кечираётганликларидан дарак бериб турипти. Шифер, тунука томлар тепасида радио, телевизор антенналари бўй чўзган.

Улар саҳни озода, этак томонларида бировникида мева дарахтлари, бировникида сўри тоқлар кўзга ташланади. Айрим хонадонлар уйи олдида енгил машина кўзга ташланади. Раис ҳам, Тюпко ҳам бу манзарага завқ билан, қўнгил қониқиши билан тикилиб борардилар. Қишлоқ тугаб, ўнг томонда маккажўхоризор, чап томонда поёнсиз пахтазор бошланди...

Валентин Афанасьевич машинани тўғри йўлдан чапга бурди. Ғилдираклар шағалларни ғичир-ғичир босиб ўтиб, шийпончa ёнида тўхтади.

— Сершағал жойлар эканми, бу ерлар,— майда тошлар орасида ўсиб ётган ғўзаларга ишора қилиб сўраймиз.

— Ҳа, бу ердаги йигитлар тош устида ҳам экин ўстираолишган азаматлар, — раисдан олдин Валентин Афанасьевич жавоб беради.— Сершағал, кам тупроқ далада ғўза ўсаётганини кўриб турибсиз. Энди бу ерларга аниқ уруғ ташлайдиган сеялка билан чигит экилганини тасаввур қилиб кўринг-а. Тошнинг энг кичиги ёнғоқдек, каттаси муштумдек. Баъзи одамлар текис пайкалда ҳам квадрат чиқаролмайдилар. Ҳали келганда кўрасиз, Умурзоқ Бухорбоев деган звеновойимизни, ана шу карталарга белгиланган миқдорда чигит ташлаб, квадратлаб экди...

Республикамизгагина эмас, бутун Иттифоқимизга донғи кетган Тюпко тан бериб, улуғлаб гапираётган механизаторни кўриш иштиёқи жўш урди. Умурзоқ тракторини қатор бошига чиқариб, иккинчи эгатга тўғрилаб бурди-да, пастга тушди. Ҳамма билан сўрашди. Кейин устозга рапорт бераётгандек гапира бошлади:

— Бугун учинчи культивацияни тамомлайман, эрта-индин ўғитни ҳам бериб бўламиз. Ғўзаларнинг сувга унча раъйи йўқ.

У «қалай, ғўзамиз сизларга ёқаяптими», деганлек раис билан Тюпкога тикилиб турарди. Улар қатор оралаб боришаркан, тиззадан юқори ўсган ғўзалар эгилиб, силкиниб шабада чайқаларди. Намдан, озиқдан тўлиқмаётган, бегона ўтдан қисилмаётган сершох ғўзаларнинг ҳар тупида етти-саккизтадан шона, икки-учтадан гул бор эди. Айрим туплардаги гул қовжираб, данакдан каттароқ кўсакча унида илиниб турарди.

— Августнинг охирида териладиган пахта шулардан чиқади-да, — деди раис ғўза тупини қайириб, — жуда соз, пастки бўғинидан олибди...

Умурзоқ Бухорбоев звеноси бултурдан бошлаб Валентин Афанасьевич Тюпко таклифига кўра нарядсиз усулда ишлай бошлаган ва бу усулнинг деҳқонбоп усул эканлигини амалда исботлаган. Бу йил эса, деҳқончиликдаги янги шу тартибни бошқаларга ўргатаётган пешкадам звенолардан ҳисобланади. Звенонинг ҳамма ери ўтган йилларда «шундайгина шағал, захкаш, ғумайга кон», деб таърифланарди. Ернинг захи қочирилди, ғумайнинг ва бошқа бегона ўтларнинг илдизи териб олинди. Шағалли жойларга яқин атрофдан кучли тупроқ келтириб тўкилди. Ер мана энди ер бўлди.

— Ер шунақа сахий парса, сиз унга бирни берсангиз, у сизга ўн ҳаробар қилиб қайтаради, — дейди Умурзоқ ва қўшиб қўяди, — биз ерни қанчалик яхши боқсак, у элни шунча тўкин-сочин боқади.

— Ҳа, энди буёғига эътибор бермасак, бор ҳосилимиз ҳам камайиб қолиши мумкин. Одамларимиз астойдил ҳаракатдалар...

Дарҳақиқат, шу Умурзоқ Бухорбоев звеносида ҳам, қолган ўн иккита нарядсиз звенода ҳам бўлиқ ғўзаларни кўриб, диллар қувончга тўлади, май ойининг сўнгги кунларидаги ер бағирлаб, ширадан ғуванак бўлиб ётган нихолларни шунчалик эртаги қилиб олган меҳнатсевар, фидокор, кўнгли саҳий, дили пок деҳқонларимизга «ҳамиша бардам бўлинглар, қўлинглар доим баланд бўлсин, бахт сизларга ёр бўлсин», дегинг келади.

НАРЯДСИЗ ЗВЕНОЛАР ШАРОФАТИ

Партиямиз Марказий Комитетининг 1965 йилдаги март Пленуми деҳқонлар моддий манфаатдорлигини биринчи ўринга қўйди. Дарҳақиқат, деҳқон уй-рўзғоридан кўнгли тўқ бўлмадими, далада астойдил, хотиржам ишлолмайди. Оз меҳнат сарфлаб кўп даромад олиш, харажатининг даромади юқори бўлиш даставвал нимага боғлиқ? Биринчи навбатда, ақл, идрок билан иш юритишга, иккинчидан, қўлдаги техникани оқилона ишлатишга боғлиқ. Ерга уруғ эккан билан уни ўтга эздириб қўйилса, трактор бўлгани билан унинг бориб-келишидан наф кам бўладиган бўлса, ернинг кўплиги-ю, техниканинг кучлилиги қаёққа борди?!

Март Пленуми қўлимиздаги хилма-хил, кучли техникадан фойдаланишни, ернинг қадрига етишни алоҳида таъкидлади. Ана шу ишларни бажаришда колхозчи, совхоз ишчиси тўғрисида гамхўрлик қилишни биринчи вазифа қилиб қўйди.

Кибор Мамедов колхозга раис бўлиб келган кундан бошлаб партиямизнинг ана шу кўрсатмасига қаттиқ амал қилиб келаяпти. У раисликка сайланган куниёқ: «Далада ишлаётган колхозчига қандай қилсак йил бўйи бола-чақасига бемалол етадиган даромад олиб берамиз», деб бош қотирди. Бу соҳада унинг ўзи янги усуллар излади, партия ташкилоти билан маслаҳатлашди, активларнинг гапига қулоқ солди.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДАГИ АСОСИЙ ВАЗИФА АҲОЛИНИНГ ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИГА, САНОАТНИНГ ЭСА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ХОМ АШЁСИГА БЎЛГАН ВА УСИБ БОРУВЧИ ЭҲТИЁЖЛАРИНИ ЯХШИРОҚ ҚОНДИРИШ МАҚСАДИДА ДЕҲҚОНЧИЛИК ВА ЧОРВАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШНИ АНЧА КЎПАЙТИРИШДАН ИБОРАТ. КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ МАРТ (1965 ЙИЛ) ПЛЕНУМИ ИШЛАБ ЧИҚҚАН ИҚТИСОДИЙ ТАДБИРЛАР СИСТЕМАСИНИ ИЗЧИЛЛИК БИЛАН АМАЛГА ОШИРА БОРИШ БУ ВАЗИФАНИ ҲАЛ ҚИЛИШНИНГ НЕГИЗИ БЎЛМОҒИ КЕРАК.

(КПСС XXIII съезди Директиваларидан).

Умурзоқ Бухорбоев звеносида 1965 йили 36 гектар ерда 7 киши пахта етиштирди. Пландаги 22 центнер ўрнига 28,8 центнердан пахта йиғиб олинди. Ташқаридан битта ҳам одам жалб қилинмай, ҳосил юз процент машинада терилди. Ҳар бир колхозчининг ўртача ойлик даромади 225 сўмни ташкил этди. Бу йил 38 гектар ерда тўққиз одам ишлаб, 30 центнердан ҳосил олишга аҳд қилган.

— Ғўзангнинг бугунги кўриниши бундан ҳам кўпроқ унум олишингдан дарак бериб турибди, — раис далаларни айланиб чиқиб қаноат ҳосил қилгач, шу сўзларни ишонч билан айтди, — ҳар туп ғўзанг олтин кўза бўлади, ука. Бу ёғига ҳам бўш келмасанг, марра сеники.

Биринчи йил қийин бўлди. Чунки, хўжалик ўтириб қолган бўлмаса ҳам, чўккалаб қолган эди. Ҳосил олишда район хўжаликлари ичида энг орқадаги колхоз ҳам, мажлисларда лекиндан кейин номи тилга олинадиган ҳам, ўт босганликда, меҳнатга кам пул тақсимлашда хуллас ҳамма соҳада паст кўрсаткичли колхоз ҳам шу эди.

Бир йилда колхоз ўрнидан турғазилди. Яхши хўжаликлар ёнида туриб, олдинга дадил қадам ташлай бошлади. Бултур қадамини бирмунча тезлаштирди. Буларга қандай эришилди? Шу тўғрида гап бошланганда Кибор Мамедов қилинган ишлар, амалга оширилган тадбирларни бирма-бир айтиб берди:

— Менимча, колхоз хўжалигини юксалтириш учун учта муҳим қоидага оғишмай амал қилиш керак. Биринчидан, колхозда меҳнат интизоми йўлга қўйилиши, унга раис ҳам, колхозчи ҳам баробар бўйсуниши шарт. Иккинчидан, колхозчида деган чавандоз отини ўз вақтида совитиб қўйишга одатланган сингари эртани кўзлаб иш юритувчи тадбиркор кишилар учун бу гап айни муддаодир.

Колхоз даласида бултур 20 та машина ишлаган эди. Бу йил ўттиз бешта «зангори кема» пахтазор қўйнида сузади. Ғўзани нормал ўстириб, бултургидан шу вақтдагидан ҳам эртаги қилиб олган, июнь ойидаёқ культиваторга ҳимоя тўсиқлари ўрнатиб ишлаётган механизатор-звено бошлиқлари ҳар куни кетаётганларида, келаётганларида жонажон терим машиналарига бир қараб қўядилар. Ремонтчиларни шошириб:

— Ҳў оғайнилар, илдамроқ ҳаракат қилинглар, ғўзамиз кўсаклаб қолди, — деб қитиқлайдилар.

Колхозчилар июлни мўл ҳосил тўплашда ҳал қилувчи ой, деб эълон қилган бўлсалар, механизаторлар, июлда терим машиналарини тўла-тўкис шайлаймиз, деб айтмоқдалар.

Машина теримининг муваффақияти «зангори кема»ларнинг сифатли ремонт қилинишида, далаларнинг машинабоп текис бўлишида, қолаверса, ғўза баргини оби-тобида дорилаб, текис тўктиришга эришишда. Йўқ дейсизми, теримга бир ҳафта-ўн кун қолганда барг туширадиган дори қидириб юрадиган раислар? Бўлганда қандоқ! Шу ҳолдаги раислар дорини топадилар, аммо у вақтда ғўзанинг барглари қотиб, пишиб қолган бўлади. Ҳа деганда дорининг кучи етавермайди. Ўшанда «ана, айтмовмидим, дорисининг кучи йўқ деб», деган гап тарқалади. У агротехника муддатини ўтказиб дори сепганини асло тан олмайди. Бу колхозда-чи? Унақа юзакичиликка йўл қўйилмайди. Дорини кеч олиб келиб, колхозчилар пулини шамолга учиришга йўл қўйилмайди. Бултур ҳам, мана бу йил ҳам ғўза баргини сунъий тўктириш учун сепиладиган дори июнь ойидаёқ колхоз омборига келтирилиб, инструкцияда кўрсатилгандек сақлаб қўйилган.

— Ҳар бир иш ўз вақтида бўлгани яхши, — дейди Кибор Мамедов, — эртага қўнғизшунинга бориб оз-моз дорингиздан қарз бериб турииг, дейишдан ёмони йўқ...



Тиззага уриб турадиган бўлиқ серҳосил ғўзалар кимни қувонтирмайди дейсиз?! Колхоз раиси Кибор Мамедовнинг чеҳрасидаги илиқ табассум ҳам шу боисдан.

— Биз бу йил ҳам ўқиш вақтида ғўза парвариши, пахта теримида қатнашамизми? — деб сўрайди. Шунда Тюпко:

— Нарядсиз ишлайдиган 13 та звенода ғўза парваришида ёки пахта теримида четдан бирорта ҳам одам ёрдамга чақирилмайди, бунга менинг имоним комил, — дейди.

Бу гап устида раис ҳам бор эди, у қўшимча қилади:

— 1965 йилда пахтамизнинг 65 процента машинада терилган эди. Бу йил «85 процент пахтамиз механизмлар кучи билан терилади. Демак, ўтган йили шаҳардан ёрдамчи сўрамаган бўлсак, бу йил сизларни ҳам ўқишдан қолдириб пахта теримига чиқармаймиз.

Колхоз раиси Кибор Мамедов ҳам, партия ташкилотининг секретари Муҳтазар Шукуров ҳам, агроном Зикрилла Миралиев ҳам, инженер Александр Григорьевич Шек ҳам янгиликка интилувчи, уни турмушга тўла татбиқ этувчи ишчан, меҳнасевар кишилар.

Пахтачиликдаги янгиликларнинг байроқдори, уни ҳамиша дадил ва ишчанлик билан амалга ошириб келаётган Валентин Афанасьевич Тюпко ҳам шу колхозда. У «мен қаерга борсам янгилик жазманларини излайман, ҳозирги кунда худди шундай одамлар орасида ишлаётганим учун ҳам жуда хурсандман», дейди.

Чирчиқнинг қуйи оқими бўйларида, ҳатто унинг эски ўзанлари устида «оқ олтин» етиштираётган фидокор кишилар сўнгги икки-уч йил ичида ана шундай ютуқларни қўлга киритаётган эканлар, бу албатта уларнинг янги, прогрессив усулларни турмушга астойдил жорий қилаётганликлари туфайлидир.

85 ПРОЦЕНТ ПАХТА МАШИНАДА ТЕРИЛАДИ

Ғўза парваришининг айни қизғин кунларида машина терими ҳақида гап юритиш галати туюлаётганга ўхшайди. Аввал пахта пишсин-чи, у ёғи бир гап бўлар, деювчилар учун ҳақиқатан ҳам бу гап эриш туюлиши мумкин. Аммо пойгада соврин оламан, деган чавандоз отини ўз вақтида совитиб қўйишга одатланган сингари эртани кўзлаб иш юритувчи тадбиркор кишилар учун бу гап айни муддаодир.

Колхоз даласида бултур 20 та машина ишлаган эди. Бу йил ўттиз бешта «зангори кема» пахтазор қўйнида сузади. Ғўзани нормал ўстириб, бултурги шу вақтдагидан ҳам эртаги қилиб олган, июнь ойидаёқ культиваторга ҳимоя тўсиқлари ўрнатиб ишлаётган механизатор-звено бошлиқлари ҳар куни кетаётганларида, келаётганларида жонажон терим машиналарига бир қараб қўядилар. Ремонтчиларни шошириб:

— Ҳў оғайнилар, илдамроқ ҳаракат қилинглар, ғўзамиз кўсаклаб қолди, — деб қитиқлайдилар.

Колхозчилар июлни мўл ҳосил тўплашда ҳал қилувчи ой, деб эълон қилган бўлсалар, механизаторлар, июлда терим машиналарини тўла-тўкис шайлаймиз, деб айтмоқдалар.

Машина теримининг муваффақияти «зангори кема»ларнинг сифатли ремонт қилинишида, далаларнинг машинабоп текис бўлишида, қолаверса, ғўза баргини оби-тобида дорилаб, текис тўктиришга эришишда. Йўқ дейсизми, теримга бир ҳафта-ўн кун қолганда барг туширадиган дори қидириб юрадиган раислар? Бўлганда қандоқ! Шу ҳолдаги раислар дорини топадилар, аммо у вақтда ғўзанинг барглари қотиб, пишиб қолган бўлади. Ҳа деганда дорининг кучи етавермайди. Ўшанда «ана, айтмовмидим, дорисининг кучи йўқ деб», деган гап тарқалади. У агротехника муддатини ўтказиб дори сепганини асло тан олмайди. Бу колхозда-чи? Унақа юзакичиликка йўл қўйилмайди. Дорини кеч олиб келиб, колхозчилар пулини шамолга учиришга йўл қўйилмайди. Бултур ҳам, мана бу йил ҳам ғўза баргини сунъий тўктириш учун сепиладиган дори июнь ойидаёқ колхоз омборига келтирилиб, инструкцияда кўрсатилгандек сақлаб қўйилган.

— Ҳар бир иш ўз вақтида бўлгани яхши, — дейди Кибор Мамедов, — эртага қўнғизшунинга бориб оз-моз дорингиздан қарз бериб турииг, дейишдан ёмони йўқ...

ТЮПКО ВА ТЮПКОЧИЛАР

Ўтган йили бу колхоздан уч киши Валентин Афанасьевич Тюпкога «устоз» деб қўл берган эди. Бу йил шогирдлар сони ўн учтага етганлиги юқорида айтиб ўтилди. Тюпко шогирдлари даласида ҳар куни десак ҳам бўлаверади, қўлларида культивацияниг кеклиги, чуқурлиги, ўғитнинг қай усулда берилаётгани, қайси ерда қанақа ғилдиракли трактор юргизиш кераклиги ҳақида жон куйдиради. Қайси куни шогирдларидан Ҳолбек Турсунбоев звеносига бориб қолди. У ер ости суви бирмунча юза турган пайкалда культивация тўхтаётган эди. Трактор ғилдираги ингичка эди. Шу сабабли у қаторга ботиб, иш сифати бузилаётганди. Тюпко дарҳол ғилдиракни ўзгартиришга маслаҳат берди. Йўғон ғилдирак қўйилди. Трактор кучанмай илдам юриб кетди.

Бунақа икир-чикир воқеалар Тюпко ҳаётида ҳар куни бўлиб туради.

Валентин Афанасьевич билан гаплашиб ўтирганимизда у раисга мурожаат қилиб:

— Мен 1967 йилда колхоздаги ҳамма звеноларни нарядсиз ишлашга ўтказсак деб ўйлаб турибман, — деб қолди. Шунда раис:

— Биз айтсак-айтмасак, ҳамма звенодагилар келгуси йилда шу усулда ишлашга ўтамиз, дейишяпти ,— деб жавоб берди.

— Жуда соз бўларди-да, — қўлларини бирбирига ишқаб севинч билан деди Валентин Афанасьевич.

— Ана ўшанда шогирдларингиз кўпайиб кетиб, шошиб қолармикансиз дейман, — ҳазиллашиб кулиб қўйди раис.

— Шогирд кўпайса, устозга осон, — ҳазилга жиддий жавоб берди Тюпко, — олдинги шогирдларининг кўзи пишиб, янгиларига йўлйўриқ кўрсатадиган бўлиб қолади.

УЧ УЧАСТКА — УЧ ХИРМОН

Колхоз учта участкадан иборат. Илгари шу участкаларда — Киров номли, Фрунзе номли, Свердлов номли колхозлар бўлгзн. Уша вақтда етиштирган ҳосилари бир-биридан кам бўлган Ҳозир ер участкалари ўртасида социалистик мусобақа, биринчиси иккинчисидан, иккинчиси учинчисидан қолишмаслик ҳаракати авжида.

Бир минг икки юз гектар пахтазорни бир колхоз қилиб бирлаштириб аҳил оилада, исми жисмига мос — «Интернационал» номи билан, якдиллик билан меҳнат қилаётган бу ҳўжалик кишилари беш йилликнинг биринчи йилида колхозлари илғорлар сафидан ўрин олиши учун ҳаракат қилмоқдалар.

Фрунзе участкасининг бошлиғи Холмат Норов, механиги Болабек Узаиров билан сўзлашдик. Улар «бу йил ҳосилимиз 27 центнердан кам бўлмайди» демоқдалар.

Киров участкасининг бошлиғи Абдумажид Аҳмедов, механиги Александр Масиловичлар ҳам «биз улардан оширсак оширамизки, кам бўлмайди» дейдилар.

Свердлов участкасининг бошлиғи Раҳим Қолжонов, механиги Сергозн Вердалиевлар эса «сўзимиз сўз, 28 центнер учун қураш бошлаган эканмиз, албатта бажарамиз» деб қатъий айтмоқдалар.

Участкаларда бўлиб ёшу-қари, эру-аёл билан гаплашсангиз, ҳаммасининг гапи бир ердан чиқади:

— Ҳосилимиз бултургидан кўп бўлади, негаки, ғўзамизни яхшилаб олдик.

Июнь ойи бошида «ғўза кечки бўлиб қоляпти», деган гап бор эди. Ҳозир бунақа сўзни эшитмайсиз. Унинг ўрнига «бултургига қараганда икки кун бурун гул кўрдик, ўтган йилдагидан илгари кўсаклайди» деган гапни эшитасиз. Июнь ойи давомида аҳиллик билан қилинган фидокорона меҳнат деҳқонининг шундай дея олишига имкон бермоқда.

Чирчиқ дарёсининг қуйи оқимидаги сершағал, захкаш ерларни унумдор пахтазорларга айлантираётган, хўжаликларини ҳам юқори ҳосилли бўлишида, ҳам бадавлат бўлишида кўпчиликка ибратли даражага етказаётган кўп миллатли «Интернационал» колхозининг фидокор кишилари бундан каттарок ишларни ҳам қила оладиларки, бунга ҳамманинг ишончи комил. Шу ўринда Валентин Афанасьевич Тюпконинг қуйидаги гапини эслаш ўринлидир:

— Биз механизация асрида яшаяпмиз. Қўл кучига ишонадиган вақтлар ўтиб кетди. Деҳқончиликдаги катта-кичик ҳамма ишимизни техника елкасига юклашимиз керак. Одамларимиз камроқ, аммо сифатли ишлаб кўп даромад олишлари, ўйнаб-кулиб ҳордиқ чиқаришлари учун кўпроқ вақтлари бўлиши керак. Пахтани етиштириб кўйиб, теришга ёрдам беринг, деб шаҳарликларнинг тинчини бузиш ҳозирги замон деҳқонига хос эмас. Чунки унинг қўлида ҳамма ишга қодир кучли техника бор.

Янгийўл районига карашли «Интернационал» колхози кишилари қўлида техника ҳақиқатан ҳам улкан ишларни бажара оладиган қудратли кучга айланган. Буни учта участканинг бошлиқлари, колхоз раҳбарларининг:

— Учта участкамиз учта улкан хирмон бўлади, биз бу ерларни механизациянинг кучига, одамларимизнинг иродасига ишониб айтаяпмиз, — деган жанговар гаплари тасдиқлаб турибди.

Янги беш йилликнинг биринчи йилида сизларга катта муваффақиятлар тилаймиз, «Интернационал»ликлар!

С. МАҲКАМОВ.



Суратда: колхоз партия ташкилотининг секретари Муҳтазар Шукуров (ўнгда) юқори ҳосилли звено бошлиғи-механизатор Нажиб Айвазов билан навбатдаги ишлар тўғрисида маслаҳатлашмоқда.

А. Абалян фотолари.

Янги Тошкентни бунёд этамиз



Куни кеча Харьков ва Одесса шаҳарларидан ёрдамга отланган студентлар пойтахтимизга етиб келишди. Улар қардошлар билан бир сафда туриб Тошкентда 12 минг квадрат метр тураржой, 3 та болалар комбинати қурадилар ҳамда бир неча километр трамвай изларини ётқизадилар. Суратда: студентларни Тошкентда кутиб олиш. В. Кожевников фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

ҲЕЧКИМ БОШПАНАСИЗ ҚОЛМАЙДИ

Бир ой муқаддам бу ерлар поёнсиз картошкапоя ва карамполлардан иборат эди. Ҳозир улар йиғиштирib олинган. Ўрнига вақтинча ўрнатилган чодирлар, шийпонлар тизилган. Янги турар-жой массивига асос солинаяпти. Одамлар ҳаракатда. Бинокорлик материаллари ортган машиналар бетиним келиб туради.

«Октябрь» массиви деб номланган янги қурилиш майдонининг ниҳоясн кўринмайди. У ўнлаб километрга чўзилиб кетган. Зилзила оқибатида бошпанасиз қолган минглаб пойтахтликлар якка тартибда уй қуриш учун кўчиб келишган бу жойларга. Кишилар бир-бирларини шундай оғир дамларда қўллаш, оғирини енгил қилиш мақсадида ўзаро хашарни кенг қизитиб юборганлар. Янги қўшнилар иморат пойдеворига бетон қўйишда ёрдамлашишмоқда, бино ғиштини теришга кўмаклашишмоқда.

Партия ва ҳукуматимиз зилзиладан зарар кўрган кишиларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатаяпти. Массивнинг шундай ўзида икки гектардан ортиқ майдон тахта складига ажратилиб, унга қурилиш учун зарур бўлган бинокорлик материаллари узлуксиз келтириб турилибди. Бедапоя ўрнига қурилган бетон қориш узели ҳам ҳаракатда. Водопровод қувури ётқизиш ишлари эса ниҳоясига етиб қолган.

Октябрь райпишчеторгига қарашли 112-озиқ-овқат магазини ҳар куни очиқ. Магазинда ун, гуруч, макарондан тортиб то совуқ ичимликларгача топилади. Унинг қаршисида гўшт дўкони ишлаб турибди. Ўз бағрига беш мингдан ортиқ хонадонни олган янги массив кўчалари асфальтланиб бўлгач, «Октябрь» массиви билан «Комсомол майдони» маршрути бўйлаб 46-автобус қатнови ҳам йўлга қўйиб юборилди. Бу аҳоли учун ғоятда катта қулайликдир.

Октябрь район коммунал хўжалигининг ташаббуси билан бевосита шу ернинг ўзида участка планлари чизиб берилмоқда, қурувчилар билан шартномалар тузилмоқда. Қисқаси, табиий офат туфайли бошпанасиз қолган меҳнаткашларнинг яқин бир-икки ой ичида янги уйларга кўчиб киришлари учун зарур бўлган барча шарт-шароитлар муҳайё бўлмоқда.

Е. САЛИМОВ.





Янги Тошкент қурилишининг зарбдорлари

Ушбу расмларда сиз Тошкентдаги зилзила оқибатларини тугатишда астойдил жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилаётган олий ҳиммат кишиларни кўриб турибсиз. 1. Карл Давидович Каландадзе. Тбилиси шаҳридан келган бу азамат самосвал бошқармоқда. 2. Москвалик бульдозерчи Виктор Курилин. 3. Тошкентга биринчилар қатори отланган самарқандлик шофер Фаттоҳ Икромов.

Н. Меламед чизган расмлар.



ПАХТАКОРЛАР ХИЗМАТИДА

Оққўрғон район маданият уйида ташкил этилган ашула ва рақс ансамбли самарали ишлаётир. Ансамбль составида 16 ёш артист бор. Уларнинг барчаси талантли ашулачи, созанда ва раққосалардир.

Ёш санъаткорлар тўғарак раҳбари Бобир Тоиров бошчилигида шу долзарб кунларда пахтакорларга самарали хизмат қилаётирлар. Ҳаваскорлар ҳозирга қадар райондаги Охунбобоев, Ҳамид Олимжон, Ленин, Киров, Димитров номли ва «Москва» колхозларида ҳамда «ЎзССР беш йиллиги», «Коммунизм» совхозларида бўлиб, «оқ олтин» етиштираётганларга кенг программада концертлар қўйиб бердилар. Айниқса Мастура Умарова, Турғуной Абдуллаевалар ижро этган ашула ва рақслар, Акбар Машрапов, Йўлдош Маҳмудовдар ижросидаги миллий халқ куйлари томошабинлар олқишига сазовор бўлмоқда.

Ёш ансамбль репертуари янги-янги куй ва қўшиқлар ҳисобига кенгайиб бормоқда.

Д. УРИНБОСАРОВ.

РЕСПУБЛИКА ҲУКУМАТ КОМИССИЯСИДА

Тошкент шаҳридаги зилзила оқибатларини тугатиш билан шуғулланувчи республика ҳукумат комиссияси ўзининг навбатдаги мажлисида табиий офат натижасида бинолари шикастланган мактаб-интернатларнинг ўқувчиларини жойлаштириш масаласини муҳокама қилди.

Ўзбекистон ССР Маориф министрлигига шу йил 5 июлга қадар Тошкентдаги мактаб-интернатларда тарбияланувчи икки минг болани зилзиладан шикастланган бинолардан Самарқанд, Бухоро, Андижон ва Фарғона областларига ташкилий равишда юборишни таъминлаш топширилди. Шу областларнинг ҳар бирига 500 бола юборилади ва улар икки йил муддат билан маҳаллий мактаб-интернатларда тарбияланади. (ЎзТАГ).

ТОЗАЛИК ПОСБОНИ

У саҳарлаб уйқусини тарк этиб кўчага чиқади. Йўлкаларни супуради, сув сепади. Гулларга қарайди, суғоради. Ҳамшаҳарларим дили равшан тортсин, дейди у.

Бугун ҳам ўрнидан барвақт турди. Сокин кўчаларни айланди. Бу кўчаларда ҳа демай ҳаёт қайнаб кетади. Қурилиш материалларни ортиб машиналар ўтади. Трамвай-троллейбуслар ҳаракатга келади. Одамлар ишга шошади. Шаҳар уйғонгунча у ҳаммаёқни сариштa қилиб қўймоқчи.

20 йил. Жўрабой ота бир оддий касбда шунча йилдан бери меҳнат қилиб келмоқда. Дастлаб Лабзак даҳасида фаррошлик қилди. Кўплаб дарахтлар ўтқазди, гуллар экди. Эндиликда эса Навоий кўчасида фаррош. Шаҳримизнинг энг кўркам кўчаларидан бу. Шу кўркамлигини сақлаб қолишга ҳаракат қилади. Зилзила кўча ҳуснини бироз бузган, лекин ота яна уни ўз ҳолига қайтармоқчи.

— Ҳар бир касбнинг ҳам ўз сири-асрори бўлади, — дейди ота. Кўчани супуриб-сидиришнинг ҳам ўз қондаси бор. Баъзи фаррошлар айни туш пайтида кўчани чангитиб супуришга тушадилар. Ахлатни эса, оқар сувларга ташлашади. Бу — гирт фаҳмсизлик. Кўчани супуришдан олдин яхшилаб сув сепиш керак. Ишни ҳам барвақт бошлаш лозим. Шунда чанг кўтарилмайди. Гулзорларга, бинолларга гард ўтирмайди.

Жўрабой ота Мусаев ҳалол меҳнати учун кўплаб ташаккурномаларга сазовор бўлган. Октябрь район ижроия комитети отанинг хизматларини муносиб баҳолаб, бир неча марта ёрлиқлар билан тақдирлади. Район коммунал хўжалик бўлими эса, пул билан мукофотлади.

Навоий кўчасида озодалигини сақлаётган Жўрабой ота, унинг ҳамроҳи Обид ота ва бошқа кишилар намунали меҳнатлари билан тошкентликлар ташаккурига сазовор бўлмоқдалар.

М. ЗАРИПОВ.

ЗИЛЗИЛАГА ЧИДАМЛИ БИНОЛАР

ЕРЕВАН. (ТАСС МУХБИРИ). Ереван уйсозлик комбинати Тошкент учун йирғма уй-жой бинолари тайёрлашга киришди. Бу бинолар зилзилага ғоят чидамлиги (саккиз баллгача зилзилага бардош беришлиги), кўркам қилиб безатилганлиги иссиқ зонада яшаш учун қулайлиги билан ажраліб туради. Конструкциянинг барча чоклари бинолларнинг пухталиги ва чидамлилигини оширувчи қўйма узеллар билан алмаштирилган. Пойдевор учун қурилиш вақтини бир ой қисқартириш имконини берувчи мустаҳкам темир бетон конструкциялар ишлаб чиқилган.


Бу йил комбинат Ўзбекистон пойтахтида етти минг квадрат метр уй-жой қуриб беради. Яқинда корхона турли бинокорлик механизмлари, электр ускуналар ортилган составни Тошкентга жўнатди. Арман бинокорлари 60 квартирали биринчи уйни июль ойининг бошларида қура бошлайдилар.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

ФУТБОЛ

КЕТМА-КЕТ БЕШ ҒАЛАБА

«Политотдел» колхози футболчилари 28 июнда Томск шаҳрида маҳаллий вақт билан соат 13 дан 15 минут ўтганда 5—6 балл кучга эга бўлган ерости силкинишини рўйхатга олди. Соат 15 да эса 7 балли куч билан ер яна силкинди. Зилзиланинг бу галги эпицентри ҳам Ўзбекистон пойтахти марказида бўлди.



АНҲОРДА.
М. Нуриддинов фотоэтюди.

БУГУН ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ҲАММА КИОСКАЛАРДА «ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ВА «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» ГАЗЕТАЛАРИ СОТИЛАДИ.

ЧЖОУ ЭНЬ-ЛАЙ ПОКИСТОНГА КЕЛДИ

НЬЮ-ЙОРК, 29 июнь. (ТАСС). Ассошиэйтед Пресс агентлигининг муҳбири Равалпиндидан хабар беради. Хитой Халқ Республикаси Давлат Кенгашининг Бош министри Чжоу Энь-Лай кеча икки кунлик визит билан Равалпиндига (Ғарбий Покистон)га келди.

Жаҳон янгиликлари

САМАРАЛИ УЧРАШУВЛАР

ОТТАВА. Совет парламентининг аъзолари Канада пойтахти Оттавага келганларидан кейин иккинчи куни Канада қишлоқ хўжалик министрлигининг қишлоқ хўжалик илмий марказини кўриб чиқдилар. Бу марказда олтита илмий тадқиқот институти бор. Бу ерда қишлоқ хўжалик министри Д. Грин ва шу марказнинг раҳбарлари СССР Олий Совети делегациясини кутиб олдилар. Шундан кейин Совет парламентининг аъзолари Канада парламентининг ҳар иккала палатаси раислари томонидан СССР Олий Совети делегацияси шарафига берилган нонушта зиёфатда ҳозир бўлдилар.

Умум палатасининг раиси Люсьен Ламурэ Совет Иттифоқидан Канада пойтахтига келган меҳмонларни табриклаб, ишончбилдириб айтдики, шу кунлардаги учрашувлар натижасида СССР Олий Совети ва Канада парламенти аъзолари ўртасидаги дўстлик туйғулари шубҳасиз кучайди. Совет парламент аъзолари делегациясининг бошлиги Д. С. Полянский ўзининг жавоб нутқида мамнуният билан шуни қайд қилдики, кейинги вақтларда Канада билан Совет Иттифоқи ўртасидаги алоқалар анча кенгайди. Совет кишилари Канадани Америка қитъасидаги юксак ривожланган йирик мамлакат деб, халқаро ишларда анча катта роль ўйнаётган мамлакат деб юрадилар.

Олий Совет делегацияси, деб сўзини давом эттирди Д. С. Полянский, СССР билан Канада ўртасидаги ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликни янада кенгайтириш, давлат ва сиёсий арбоблар билан мавжуд алоқаларни мустаҳкамлаш ва савдо-саноат доираларининг вакиллари билан шахсий алоқалар ўрнатишга ёрдам беришни ўз вазифаси деб ҳисоблайди.

Д. С. Полянский сўзининг охирида Канада парламенти сенати ва умум палатасининг раисларини ўзлари учун қулай бўлган пайтда СССР Олий Советининг меҳмонлари сифатида Совет Иттифоқига келишга таклиф этди. Умум палатасининг раиси Ламурэ илтифот билан қилинган ана шу таклиф учун ташаккур изҳор қилади.

СССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари Д. С. Полянский шу куниёқ ташқи ишлар министри Поль Мартин ва шимолий территориялар ҳамда миллий ресурслар министри Артур Лэнг билан учрашди.

АРГЕНТИНАДАГИ АҲВОЛГА ДОИР

Чет эл информация агентликларининг хабарига қараганда, Аргентинадаги давлат тўнтаришига раҳбарлик қилган Аргентинанинг қуруқликдаги кучлари қўмондони генерал Пистарини ҳукумат директивaларини эълон қилган. Мамлакатнинг ички районларидаги гарнизонларининг бошлиқлари сайлаб қўйилган органларни тарқатиб юбориш, губернаторларни ишдан олиб ташлаб, уларнинг ўрнига офицерларни тайинлаш тўғрисида буйруқ олганлар.

Банкларни, валюталарни айирбошлаш конторaларини ва фонд биржаларини ёпиб қўйиш тўғрисида ҳам буйруқ берилган.

Қўшинлар миллий конгресс биносини эгаллаб олганлар. Мамлакатда ҳокимиятни босиб олган Аргентина армияси мамлакатни президент эмас, балки уч кишидан иборат ҳарбий хунта бошқариб туради, деб эълон қилган.

БУНДЕСВЕР ГЕНЕРАЛИ — НАТОНИНГ ҚЎМОНДОНЛИК ЛАВОЗИМИДА

ПАРИЖ. Ғарбий Германия генерали Иоганн-Адольф Фон Кильманзег Марказий Европадаги НАТО бирлашган қуролли кучларининг бош қўмондони қилиб тайинланганлиги расмий равишда эълон қилинди. Фон Кильманзегнинг бу лавозимга тайинланганлиги Франция Шимолий Атлантик иттифоқининг бирлашган ҳарбий ташкилотидан чиқишга қарор қилганлиги билан алоқадордир. (ТАСС).

ТЎРОН ВА ШЛЮЗЛАРНИ БОМБАРДИМОН ҚИЛМОҚДАЛАР

ХАНОЙ, 29 июнь. (ТАСС). АҚШнинг 7-флоти кемаларида ва Жанубий Вьетнам ҳамда Таиланддаги авиабазаларида жойлашган Америка самолётларининг катта группалари 27 июнда Вьетнам Демократик Республикасининг Куангбинь, Хатинь, Нгеан, Тханьхоа, Ниньбинь, Намха, Тхайбинь ва Футхо вилоятларидаги аҳоли яшайдиган пунктларни ҳамда саноат объектларини бомбардимон қилдилар ва ўққа тутдилар.

Америка авиацияси ана шу ҳужумлар вақтида Ниньбинь вилоятидаги тўғонга, Намха вилоятидаги шлюзга ва Хатинь вилоятидаги дамбага зарар етказди, деб хабар беради Вьетнам информация агентлиги.

АГРЕССОРЛАР ЗАҲАРЛИ МОДДАЛАРДАН ФОЙДАЛАНМОҚДАЛАР

ХАНОЙ. 29 июнь. (ТАСС). Вьетнам халқ армияси олий қўмондонлиги алоқа миссиясининг Вьетнамда кузатувчи ва контрол қилувчи халқаро комиссиясига юборилган норозилик мактубида бундай дейилади: америка агрессорлари Жанубий Вьетнам аҳолисига қарши яна заҳарли моддалар ишлатиб, янги катта жиноят қилдилар.

Мактубда бундай дейилади: америка агрессорлари шу йил апрель ва май ойларида Ниньбин, Ратьзна, Бенче, Зиадинь, Тэйнинь вилоятларининг аҳолисига қарши бир неча марта заҳарли моддалардан фойдаландилар. Бунинг натижасида тинч аҳолидан тўрт киши яраланди, экинлар нобуд бўлди.

Вьетнам информация агентлигининг хабар беришича, алоқа миссияси америка ҳукуматидан ўзининг жиноятkорона ҳаракатларини дарҳол тўхтатишни, Жанубий Вьетнамдаги агрессив урушга чек қўйишни, Америкaнинг ҳамма қўшинларини ва Америка гумаштaларининг қўшинларини олиб чиқиб кетишни ҳамда Вьетнам масадаси юзасидан 1954 йилда Женевада тузилган битимларга қаттиқ риоя қилишни талаб этган.

КОРХОНА ЭГАЛАРИНИНГ ҚАЙСАРЛИГИ

ЛОНДОН. Иш ҳақини ошириш ва иш ҳафтасини қисқартириш учун курашаётган Англия савдо флотининг денгизчилари иш ташлаганига бир ярим ой бўлди. 900 га яқин кема мамлакат портларида тўхтаб турибди.

Кемаларнинг эгалари забастовкага халақит беришга уриниб, ён беришга рози бўлганликларини айтдилар. Аммо корхона эгалари денгизчилар миллий касаба союзи билан олиб борилган музокараларда ишчиларнинг талабларини тўла равишда қондиришдан бош тортдилар.

Иш ташловчиларнинг иродаси букилгани йўқ. Мамлакатнинг шимолидаги бир қанча портларда ўтказилган оммавий митингларда денгизчилар курашни давом эттиришга қарор бердилар. (ТАСС).

СЕАТО ўз мажлисини ўтказмоқда

ЛОНДОН. Шарқи-Жанубий Осиёдаги ҳарбий блок — СЕАТО кенгашининг сессияси Канберрада ўз мажлисларини давом эттирмоқда. Вьетнамдаги уруш масаласи сессиянинг асосий масаласидир. АҚШ давлат секретари Дин Раск сессияда нутқ сўзлаб, Америка қўшинларининг янги қисмлари Жанубий Вьетнамга юборилади, деди.

Англия ташқи ишлар министри Майкл Стюарт Англия иттифоқчиларининг Вьетнамдаги снёсатини қўллаб-қувватлайди, деб ўз шерикларини ишонтирди. СЕАТО бош секретари Хесус Варгас СЕАТОга аъзо бўлган мамлакатларнинг министрларидан ҳарбий блок бюджетини кўпайтиришни илтимос қилганлиги маълум бўлиб қолди. (ТАСС).

Реклама ва эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

1 ИЮЛДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.00 — **Телевизион янгиликлар**, 18.20 — **Уйлаб топ** (кичкинтойлар учун), 18.50 — Киновикторина, 19.30 — **Реклама ва эълонлар**, 19.35 — **Концерт** (бадиий ҳаваскорлар ижросида). 20.30 — **Эртаги кун программаси.**

Ўзбек тилида: 20.35 — **Телевизион янгиликлар**. 20.50 — **Июль—ҳал қилувчи ой** (қишлоқ хўжалик ходимлари учун). 21.10 — **Рассом Чингиз Аҳмеров**. 21.40 — **Киргоқа тушиш учун рухсат** (бадиий фильм).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 18.10 — **Ватан кенглигларида** (мактаб ўқувчилари учун). 18.35 — **Тошкент янгиликлари**. 18.45 — **Роза Багланова**. 19.25 — **Овчилар** (илмий-оммабоп фильм) 19.35 — **Арманистон** (ҳужжатли фильм).

Рус тилида: 20.35 — **Салом, қизлар** (ҳужжатли фильм). 20.55 — **Тошкент янгиликлари**. 21.05 — **Она қиссаси** (ҳужжатли фильм). 21.25 — **Оддий киши** (телеспектакль).

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Росалия мантубларк — «ЎЗБЕКИСТОН», НАВОИЙ номли, (кундуз ва кечқурун).

Мартаба — «МОСКВА», (кундуз ва кечқурун).

Кларнетнинг садоси — «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Севги ва лимандр — «МОСКВА» (кундуз соат 2 ва кеч 6 да).

Том тоганинг нулбаси — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 3, кеч 6.15 ва 9.15 минутда).

ЁЗГИ БИНОДА

(Кеч соат 8.45 минут ва 10 яримда)

Мартаба — «ФЕСТИВАЛЬ».

Уч мушкетёр — КАФАНОВ номли.

Шаҳар чироқларини ёқади — «ЎДАРЙИК».

Шафтоли ўғриси — НАВОИЙ номли.

13 кун — Пушкин номли.

Мамлук — «Ватан».

Бўка қишлоқ хўжалигини механизациялаш техникуми

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Техникум қишлоқ хўжалигини механизациялашга доир механик-техниклар тайёрлайди.

Дарслар ўзбек тилида олиб борилади.

Аризалар 31 июлгача қабул қилинади. Қабул комиссияси номига ёзилган аризага тегишли ҳужжатларни қўшиб бериш лозим.

Техникумга 8-синф ҳажмидаги маълумот билан қирувчилар: она тилидан (ёзма, диктант), математикадан (ёзма ва оғзаки), ўрта мактаб ҳажмидаги маълумот билан: она тили ва адабиётидан (ёзма, ишоо), математикадан (ёзма ва оғзаки) имтиҳон топширадилар;

Кириш имтиҳонлари 1 августдан 20 августгача ўтказилади. Ўқиш 1 сентябрдан бошланади.

Ўқувчилар стипендия билан, бошқа райондан келганлар ётоқ билан ҳам таъминланади.

Тошкент халқ хўжалиги институти коллективи институт ходими А. А. Булатовага эри

Жамалитдин Абдуллаевич

ГАМЗАТОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Р. 08560. ИНДЕКС 64969. Г. 1148.